



Истеъмол кайфияти шарҳи

2024 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Истеъмол кайфияти

2024 йилнинг октябрь ойида ўтказилган сўровларда 3 300 дан зиёд аҳоли қатнашди. Унга кўра, аҳоли келгуси 12 ойда иқтисодий шароитларнинг жорий ҳолати сақланиб қолишини кутиши билан бирга, кредитга бўлган талабни мақбуллашиб, харажатларни қисқартириш (оптималлаштириш) орқали молиявий барқарорликни сақлашга интилмоқда.

Бунда, аввалги чоракка нисбатан аҳолининг даромади ошиши бўйича кутилмалари ва жамғаришга бўлган мойиллигида биров ўсиш кузатилди. Шу сабабли, даромадни тежаш ва келгуси давр учун жамғаришга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Аҳоли истеъмол кайфиятининг бундай ўзгариши бир қатор омиллар, жумладан, иқтисодий шароитларнинг барқарор шаклланиши бўйича кутилмалар ҳамда келгуси давр учун эҳтиёткорона қарорлар қабул қилиш зарурияти билан изоҳланади.

Кўп ҳолларда харажат қилишга мойилликнинг пасайиши истеъмол товар ва хизматларга бўлган талабни қисқартириб, иқтисодий ўсишнинг биров секинлашишига олиб келиши мумкин бўлса-да, харажатни тежаш орқали жамғармани оширишга қаратилган бу тенденция иқтисодиётга молиявий ресурслар таклифини оширади.

Ўз навбатида аҳолининг жамғариш имкониятларини ошириш ва уни истиқболли инвестицион лойиҳаларга йўналтириш иқтисодий барқарорлик ва ўсиш учун янада кенгроқ имкониятлар яратади.

Аҳолининг кредит олишга эҳтиёжининг мақбуллашуви қарз юки билан боғлиқ хатарларни ошишини ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Уй-жой бозори сегментида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлса ҳам, сўровлар уй-жой харид қилишни истовчилар ҳамон кўпчиликни ташкил этаётганини кўрсатмоқда.


Шунингдек, келгусида мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб бориши юзасидан аҳолида ижобий кутилмалар шаклланган.

Даромад субиндекси


Келгусида даромадлар ошиши бўйича ижобий кутилмалар шаклланган.

Жорий йил III чорақда даромад субиндекси аввалги чорақка нисбатан 0,4 фоиз бандга яхшиланиб, **70,7 бандга** тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича кутилмалари бироз юқорилади (1-2-расмлар).

1-расм. Даромад субиндекси (банд)



2-расм. Даромад субиндекси ўзгариши (ўтган ойга нисбатан, фоиз банд)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Бунда, аҳоли даромадларининг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолаётгани иқтисодиёт истиқболига бўлган ишонч ва ижобий кутилмаларни барқарор шаклланишига хизмат қилмоқда (3-расм).

Келгусида даромадлар ошишини кутаётганлар улуши 0,4 фоиз бандга ошиб, 64 фоизни ташкил этган бўлса, даромадлари камайишини таъкидлаганлар улуши 0,5 фоиз бандга кўпайиб, 10,5 фоизга тенг бўлди. Даромадлари ўзгармаслигини қайд этганлар улуши 0,9 фоиз бандга камайиб, умумий респондентларнинг чорақ қисмини ташкил этди (3-расм).

3-расм. Даромадлари ўзгариши кутилмалари бўйича жавоблар тақсимооти (улуши, фоизда)



4-расм. Даромадлар кесимида жавоблар тақсимооти (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

10 млн сўмдан юқори даромадга эга респондентлар қолганларга нисбатан келгусида даромадлари ошишини кўпроқ кутмоқдалар.

Аксарият даромад гуруҳларида даромадларнинг кўпайиши бўйича ижобий кутилмалар ўтган чоракка нисбатан ошган.


Даромадлар бўйича ижобий кутилмалар келгусида истеъмоал талабини сақлаб қолишга хизмат қилиши ва харид қилиш қобилиятини кучайтириши мумкин. Бу, ўз навбатида, ички истеъмоал талабини барқарорлашишига ва келгусидаги иқтисодий ўсишга туртки беради.

Бундан ташқари аҳолининг даромади ошишига бўлган ишончи сақланиши сармоявий фаоллик ва меҳнат бозорида ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Респондентларнинг 67 фоизи (ўтган чоракда 68 фоиз) расмий иш ҳақидан даромад олишини таъкидлаган. Мулк ижараси ҳамда пул ўтказмалари орқали даромад олувчиларнинг улуши ортган бўлса, тадбиркорлик ва томорқа фаолиятдан даромад толувчилар ўзгаришсиз қолган (5-расм).

Сўров натижаларига кўра, туризм, маиший хизматлар, оммавий ахборот воситалари, тиббиёт, савдо, ташиш хизматлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида келгусида даромадлар ошишига оид ижобий кутилмалар кўпроқ шаклланмоқда.

5-расм. Респондентларнинг даромад манбалари (улуши, фоизда)



6-расм. Фаолият соҳалари кесимида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)

Соҳалар	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
туризм	83	13	5
маиший хизмат	77	19	5
АТ ва ОАВ	76	16	7
қишлоқ хўжалиги	71	19	9
тиббиёт	69	25	6
савдо	69	20	12
ташиш хизмати	69	21	10
фан-таълим	69	22	9
коммунал хизмат	67	29	4
давлат бошқаруви	65	28	6
кафе-ресторан	62	31	6
бошқа	61	24	15
қурилиш	59	26	15
банк ва молия	57	30	13
ишлаб чиқариш	56	33	11


Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш, банк-молия ва қурилиш соҳаси вакиллари келгусида даромадларининг нисбатан пастроқ даражада шаклланишини кутмоқда (6-расм).


Харажат субиндекси

Респондентлар келгусида харажатларини оптималлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Мазкур даврда харажат субиндекси 0,2 фоиз бандга камайди ва деярли ўтган чорак даражасида шаклланиб, **77,5 бандни** ташкил этди.

7-расм. Харажат субиндекси (банд)



8-расм. Харажат субиндекси ўзгариши (ўтган ойга нисбатан, фоиз бандда)




Жумладан, респондентларнинг 76,2 фоизи келгуси 12 ойда харажатлари кўпайишини билдирган. Ўтган йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 76,4 фоизга ва аввалги чорақда 76,7 фоизга тенг бўлган. Бу эса, умуман, истеъмолчиларнинг келгусидаги харажатлари ошиши бўйича кутилмалари сақланиб қолаётганлигини кўрсатади.


Келгусида харажатларининг ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши 0,9 фоиз бандга ошиб, 17,3 фоизни, харажатларнинг камайишини кутаётганлар эса 6,5 фоизни ташкил этган (9-расм).

Асосан, юқори даромадли (10 млн сўмдан юқори) респондентлар келгусида харажатлари кўпайиши мумкинлигини билдиришган. Қолган даромад гуруҳларида харажатлар ошиши мақбуллашиши кутилмоқда (10-расм).

9-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)




10-расм. Даромадлар кесимида харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўров натижаларига кўра, аҳоли келгуси чорақда асосий йирик харажатларни уй-жой таъмирлаш, таълим, автомобиль хариди, соғлиқни тиклаш, тўй маросимлари, уй-жой сотиб олиш ва маиший техника харидига йўналтиришни режалаштирмоқда. Мазкур йўналишларда харажатларнинг ортиши бу товар ва хизматларга бўлган юқори истеъмол талабининг келгусида ҳам сақланиб қолишини кўрсатмоқда (11-расм).

11-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши (улуши, фоизда)



Ўтган даврда амалга оширилган йирик харидлар/харажатлар


Келгуси ойларда йирик харидлар/харажатлар бўйича қутилмалар

Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Кредит субиндекси

Кредит субиндекси аввалги чоракларга нисбатан пасайишда давом этмоқда. Сўров натижаларига кўра, мазкур даврда кредит субиндекси ўтган чоракка нисбатан 2,4 бандга пасайиб, **65,6 бандга** тенг бўлди (2023 йилнинг мос даврида 68,7 бандга тенг бўлган).

12-расм. Кредит субиндекси (банд)




13-расм. Кредит субиндекси ўзгариши (ўтган ойга нисбатан, фоиз бандда)




Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Кредитга бўлган талабнинг ўсиш суръати секинлашгани иқтисодиётда қарз олиш бўйича маълум бир эҳтиёткорлик пайдо бўлганини англатиши мумкин. Лекин ажратилган кредитлар ҳажмидаги ўсиш кўрсаткичлари келгуси чорақларда ҳам аҳолининг кредит олишга эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатмоқда.

14-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар тақсимоти (улуши, фоизда)



15-расм. Даромадлар даражаси кесимида кредитга бўлган талаб (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Хусусан, келгуси 12 ой давомида кредитлари миқдори ошишини билдирганлар улуши жами респондентларнинг қарийб 55,6 фоизига тенг бўлди. Кредитга талаб камайишини ёки ўзгармаслигини билдирганлар улуши ўтган чорақка нисбатан ошиб, мос равишда 12,9 фоиз ва 31,5 фоизга тенг бўлди (14-расм).

Келгусида кредит олишни режалаштирганлар, асосан, 5-15 млн. сўм ва 20 млн. сўмдан юқори даромадлилар гуруҳида камайган (15-расм).

16-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши (улуши, фоизда)

		Келгусида харажатларнинг ўзгариши									
		2024 йил II чорақ					2024 йил III чорақ				
		кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камаяди	камаяди	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камаяди	камаяди
Келгусида янги кредитга бўлган талаб	ошади	19	6	3	1	1	17	6	3	1	1
	бироз ошади	12	13	4	1	0	11	14	3	1	1
	ўзгаришсиз қолади	9	11	7	1	1	11	10	9	1	1
	бироз камаяди	2	1	1	1	0	2	2	1	0	0
	камаяди	3	2	1	0	1	3	2	1	1	0

Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.


Шунингдек, келгуси харажатларини кредит олиш орқали қоплашни режалаштирган истеъмолчилар сони сўнги 3 чорак давомида қисқарган. Бу ҳолат кредитларга бўлган талабнинг маълум даражада барқарорлашиши давом этаётганини кўрсатиши мумкин (16-расм).

Жамғариш субиндекси


Аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллиги сўнги икки чоракдаги мавсумий пасайишдан сўнг биров яхшиланди.

Жорий йилнинг III чорагида жамғариш кайфияти субиндекси ўтган чоракка нисбатан 0,8 бандга кўтарилиб, **67,9 бандни** ташкил этди. Жамғармаларининг ошишини кутаётган респондентлар улуши 0,9 бандга ошиб, **61,1 фоизга** тенг бўлди.

17-расм. Жамғариш субиндекси (банд)



18-расм. Жамғариш субиндекси ўзгариши (ўтган ойга нисбатан, фоиз бандда)




Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.


Шунингдек, жамғармаларининг ўзгармаслигини билдирганлар улуши ўтган чоракка нисбатан 0,4 бандга камайиб, 25,2 фоизни ташкил этган бўлса, жамғармалари камайишини кутаётганлар улуши 0,5 бандга пасайиб, 13,6 фоизни ташкил қилди (19-расм).

Аҳолининг истеъмол харажатлари таркибидаги ўзгаришлар қузатилаётгани жамғариш кайфиятига ҳам маълум даражада ижобий таъсир ўтказиб, аҳолининг молиявий бюджетларини қайта кўриб чиқишига сабаб бўлаётган бўлиши мумкин.

19-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари (улуши, фоизда)




20-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси бўйича кутилмалари (улуши, фоизда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Респондентлар орасида келгусидаги жамғармаларининг етарлилик даражасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Жумладан, жамғармалари **1-3 ой** ва **6 ойдан ортиқ** муддатга етади деб баҳолаганлар улуши ошган бўлса, жамғармалари **1 ойга** етади деб ҳисоблаганлар улуши бироз камайган. Шунингдек, жамғармалари 3-6 ойгача етишини ҳамда жамғармаси йўқлигини билдирганлар улуши сўнгги чоракда деярли ўзгармади.

21-расм. Респондентларнинг молиявий ҳолати ўзгариши (улуши, фоизда)



22-расм. Аҳоли муддатли депозитлари қолдиғи ўсиши (трлн. сўм, йиллик фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўров натижаларига кўра, ушбу чоракда ҳам иштирокчиларнинг аксарияти молиявий ҳолатларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаганини таъкидлашди. Молиявий аҳволи яхшилانган ёки

ёмонлашган деб ҳисоблаган респондентлар улуши эса ўтган чорақдаги даражада қолди.


Маълумот учун, жорий йилда аҳолининг банк депозитлари ҳажмида сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, октябрь ойида миллий валютадаги муддатли депозитлар сони йиллик ҳисобда 53 фоизга ошди. Бу ўсиш, биринчи навбатда, банк депозитларининг жозибдорлигининг ортишига, шу билан бирга аҳолининг молиявий барқарорликни таъминлаш ва жамғаришга бўлган мойиллигининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт бўйича кутилмалар


Келгуси 12 ойда аксарият респондентлар (57 фоиз) мамлакатда иқтисодий ҳолат яхшиланишини кутмоқда (23-расм).

Бунда ижобий ўзгаришларнинг давом этишини ва иқтисодий барқарорликнинг сақланишини кутаётганлар 30 фоизни ташкил этди.

23-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



24-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Ўрта муддатли иқтисодий кутилмалар қисқа муддатли кутилмалардан яхшироқ шаклланди. Хусусан аксарият сўров иштирокчилари (65 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб боришини таъкидлаган бўлса, 9 фоизи истиқбол бўйича хавотир билдирди (24-расм).

Истеъмом кайфияти индекси

Марказий банк томонидан аҳолининг кенг соҳа вакилларини камраб олган ҳолда ўтказиладиган сўровлар натижалари асосида бериб бориладиган **истеъмом кайфияти индекси¹ (ИКИ)** ни ҳисоблашда сўров иштирокчиларининг келгусидаги **даромадлари, харажатлари, кредитлари ва жамғармалари ўзгариши** бўйича танланган жавоб вариантлари сонидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Бунда, респондентлар томонидан белгиланган жавоблар вариантлари қуйидаги вазнлар орқали умумлаштирилади ва нормаллаштирилади:

сезиларли даражада кўпайиш/ошиш (ижобий) – 100;

бироз кўпайиш/ошиш (ижобий) – 75;

нейтрал жавоб (ўзгаришсиз) – 50;

бироз камайиш (бироз салбий) – 25;

сезиларли даражада камайиш (салбий) – 0.

Агар ҳисобланган субиндекс кўрсаткичи 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини кўрсатади. Агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини билдиради. Агар субиндекс кўрсаткичи 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради.

Шунингдек, субиндекс 100 бандга тенг бўлса барча респондентлар юқори ошишини кутаётганини англатса, 0 бандга тенг бўлиши барча сезиларли камайишини билдирганини англатади.

¹ Индекс кўрсаткичи 0 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: zakirov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22